



“Маҳалла сервис компанияси” — озода ва обод ҳудуд таянчи

2-с.

Муаммоли кредитнинг муаммоси нимада?

Афсуски, муаммоли кредитни сўндириш, асосан, ҳоким ёрдамчиси зиммасига тушяпти.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
22 январь,
Чоршанба

Маҳалла

№5
(2229)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Маҳалла обод — юрт обод”

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Кахрамон Куронбоев Спирдарё вилоятида бўлиб, “маҳалла еттичилиги” вакиллари билан учрашди, хайрия ҳашарида иштирок этди.



Ҳашар — ҳалқимизнинг эзгу фазилатларидан бири. Уюшманинг вилоят бошқармаси ташаббуси билан ҳудуддаги 239 та маҳаллада ташкил этилган “Маҳалла обод — юрт обод” шiori остидаги хайрия ҳашарида бу жиҳат яна бир бор намоён бўлди. Унда 32 минг 634 нафар аҳоли иштирок этди.

Жараёнда 61 та қабристон ободонлаштирилди, 723 та кўчада “Обод кўча” мезони бўйича кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 1 967 та кўп қаватли уйнинг атрофи ҳамда 54 та болалар майдончаси ободонлаштирилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож 812 нафар аҳолининг томорка ерлари чопилиб, тартибга келтирилди. 97,4 км. ариқ ва зовурлар тозаланиб, 24 минг 623 та дарахт оқланди.

Ҳашардан сўнг Уюшма раиси “маҳалла еттичилиги” аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, томорқасидан даромад топаётган хонадон вакиллари билан учрашиб, улар билан самимий мулоқотда бўлди. Маҳаллаларда ободонлаштириш ва тозалик тадбирларини доимий равишда ўтказиб бориш бўйича масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

ТАРТИБ



Ривожланиш дастурлари маҳалла билан ҳамфикрликда тайёрланади

“Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси муҳокамаси давом этмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси амалга ошириши лозим бўлган қатор вазифалар белгиланган.

Хусусан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Амалдаги қонун нормалари бугунги кун талаблари асосида янгиланиб, маҳаллалар функцияларининг ягона рўйхати ва уларнинг аниқ жавобгарлик чегарасини белгилаш назарда тутилган.

Худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда маҳалла институтининг роли оширилади. Февраль ойидан ошлаб, белги-

ланган режа-жадвал асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик бўйича тарғибот ишларини олиб бориш режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. “Маҳалла еттичилиги” билан биргаликда аниқ режа-график асосида маҳаллаларда тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик бўйича тарғибот ишлари ташкил этилади.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда **32 та шаҳардаги 64 та маҳаллада дарахтларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали суғориш тизими** жорий этилади. Бу тизим камбағал оилалар учун Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини хал этиш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

● **Маҳаллаларнинг инфратузилмаси ҳолати (электр энергияси, сув, газ, суғориш тизими, интернет, учки йўллар ва бошқа) яхшиланади.**

БУГУНГИ СОНДА:

“Ойдин” намунали маҳаллага айланди

Маҳаллаларга чиқиб, сайёр қабуллар ўтказилиши натижасида аҳоли муурожаатлари кескин камайди. Чунки ҳар бир муаммо маҳалланинг ўзида “еттилик” иштирокида ҳал этил-япти. Утган йилнинг ўзида Уюшманинг Нишон тумани бўлимига Виртуал қабулхона орқали келиб тушган 603 та муурожаатнинг 99 фоизи қаноатлантирилди.

5-с.

Хизмат уйи билан ҳудуд янада тинчроқ...

Агар Ҳаким ота овулида ҳам хизмат уйи қурилса, кечаю кундуз шу ҳудудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осовишталлиги ва хавфсизлигини таъминлаш янада самаралироқ бўларди. Яхшики, овул аҳолиси жуда меҳмондўст. Ҳозирда уларнинг хонадонларида навбатма-навбат меҳмон бўлиб, хизмат фаолиятини олиб борапман.

6-с.

Нозик хилқатнинг темир матонати

“...сиз аёл киши бўла туриб, темир билан ишлаяпсизми? Бу иш оғирлик қилмайдими? Турмуш ўртоғингиз нима иш қилади? Темир, олов билан ишлаш машаққатларига кучингиз етатими?!” Тахминан 40 ёшлар атрофида бўлган аёл мулоим жилмайиб, қўлидаги темир ва мосламаларни ерга қўйди. Чойнақдан пиёлага чой қўйиб, менга юзланди.”

7-с.

МОҲИЯТ

5,2 миллион нафар аҳоли ишли бўлади

“2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2025 йилда аҳолининг даромадли меҳнат билан таъминлаш дастури тасдиқланди.

Дастур ижроси доирасида 5,2 миллион аҳоли иш билан банд қилиш белгиланди. Қарорга кўра, оғир тоифадаги 1 000 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 3,2 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Фуқаролар йиғинларида маҳалла банкларини ва ёрдамчи-агентлар фаолиятини йўлга қўйилади.

Оғир тоифадаги 300 та маҳаллада кооперация асосида 180-500 кВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциялари барпо этилади. 53 та маҳаллада янги туризм хизматлари йўлга қўйилади. Қарорга асосан, 2025 йил

1 майгача ишсиз аҳолини, шу жумладан, устувор равишда камбағал оилалар аъзоларини касб-хунарга ўқитиш харажатларини қоплаб бериш бўйича ваучер тизими жорий қилинади. Маҳаллаларда камбағал оила аъзоларининг ишлаш иштиқини ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Ишонч” лойиҳалари ва “Маърифат орқали камбағалликни қисқартириш” дастури амалга оширилади. Маҳаллаларда “Фаровонликка эришган энг намунали оила” танлови ўтказилади.



Камбағал оилалар аъзоларини касб-хунарга ўқитиш харажатларини қоплаш бўйича ваучер тизими яратилади.

Ёш оилага иккиламчи бозордан уй олишга имтиёз берилса...





Президент тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва хизматлар сифатини оширишга доир ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Шавкат Мирзиёевга Ҳисоб палатасининг 2024 йилда амалга оширган ишлари ва 2025 йилги асосий вазифаларига оид ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ.



Президент фармонида кўра, ПАХТА ХОМАШЎСИНинг бошланғич нархи Нью-Йорк биржасидаги фьючерс котировкаларидан келиб чиқиб белгиланади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Сирдарё вилоятининг барча ҳудудида аҳоли мурожаатлари “маҳалла етти-лиги” ташаббуси билан ижобий ҳал этиляпти. Эътиборлиси, бажарилган ишлар замирида “Инсон қадри учун”, деган ғоя мужассам.

МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ



Х.АБДУРАҲМОНОВ.

Мисол учун, Боёвут туманида аҳолидан ўтган йили 6 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Уларнинг 70 фоизи ижобий ҳал этилган бўлса, қолганларига ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Худудларни ободонлаштириш ишлари аҳоли талаб ва истигаси асосида бажарилляпти. Туманнинг “Учтургон” маҳалласида “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонлари амалга оширилляпти.

— Мезонлар асосида 9 та йўналишда ишлар бошланди, — дейди маҳалла раиси Алишер Мамарўзиёв. — Уларнинг ташқи қисмини таъмирлаш, янги маҳалла биноси қуриш, сув, йўл, электр тармоқларини солаш каби масалалар киритилган. Айни кунларда эски симёғочлар ўрнига 120 дана темир-бетон устун ўрнатилди. Ҳашар йўли билан маҳаллага иссиқхона қурди. Кетма-кет ўтказилган ҳашарда аҳоли фаол иштирок этди. Намуна, Ойдин ҳаёт, Янги боғ, Сарчашма кўчаларига ичимлик сув тармоғи тортилди. Чинобод кўчасида 100 метр тармоқ янгиланди. Сув минораси таъмирланди.



Хулоса қилиб айтганда, одамларнинг кундалик турмушида юзага келаётган муаммолар тезкорлик билан ҳал этиляпти. Бунда “маҳалла еттилиги” ҳақиқий кўмакчи бўляпти.

ТАҲЛИЛ



“Маҳалла сервис компанияси” — озода ва обод ҳудуд таянчи

Мақсадбек ФАЙЗ.

“Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кийёфасини тубдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида маҳаллалар ободлигини таъминлаш, уларни сақлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг янги тизими жорий этилди. Мамлакатимиздаги 208 та фуқаролар йиғинида салоҳиятли тадбиркорлар иштирокида “Маҳалла сервис компанияси” ташкил қилинди.

Уларга Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 11 турдаги 72 миллион сўмлик техник воситаларни олиб берди. Маҳаллалардаги ишсиз 5 минг 400 нафар фуқаро ишга олинди. Бугунгача 23 турдаги хизмат кўрсатилляпти. 2025 йилда яна 1 000 та маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси” иш бошляпти.

Хўш, ўтган вақт давомида натижалар қандай бўлди? Аҳоли кўрсатилляётган хизматдан мамнунми? Яшнбод туманидаги “Гўзал” маҳалласи раиси Рустам Ёдгорнинг таъкидлашича, ҳудуд 103 гектардан иборат. 20 километрга яқин ички йўл мавжуд.

— Авваллари бу кенгликда ободонлаштириш ишларини бажаришга қийналардик, — дейди Р.Ёдгоров. — “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлаши натижасида барча ерларнинг тиз ва озодлиги таъминланди. Бундан ташқари, ўзаро шартнома асосида сантехник, ер chopиш, дарахтга ишлов бериш, устачилик каби хизматлар кўрсатилляпти. 2024 йилда компания ходимлари иштирокида 300 тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Аҳоли жуда мамнун. 1 274 та хонадонга хизмат кўрсатувчи “Гўзал тож” сервис компаниясининг телеграм гуруҳи ташкил этилган. Бу ерда фуқаролар буюртмасига асосан, иш олиб борилляпти.

Кам таъминланган оилаларнинг хонадонларида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, аҳоли, корхона ва ташкилотларга шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Олтириқ туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласидаги сервис компаниясида 24 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг 12 нафари доимий, қолгани мавсумий ходимлар. Шу кунгача аҳоли талабига асосан, ҳудуднинг тозаллиги, озодлигини таъминлашга эришилди. Сервис компания раҳбари Зулфия Жўраеванинг маълум қилишича, ўтган йили жами 140 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Жумладан, энагалик, мўри тозалаш, электрик, газ ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ҳисобидан аҳоли муаммоларига ечим топилди. 6 нафар ходим ободонлаштириш ишлари билан шуғулланди.

Нукус шаҳридаги “Бўзовул” маҳалласида “Бўзовул маҳалла сервис компанияси” фаолият олиб борапти.

— Айни пайтда мазкур компанияда 12 нафар кишининг бандлиги таъминланган, — дейди маҳалла раиси Саламат Эшмурадов. — Улар орасида электрик, сантехник, пайвандчи, тикувчи ва боғбон каби ўз ишининг усталари ҳамда ободонлаштириш ишларига масъул ходимлар бор. Ўтган даврда маҳалла ҳудудидаги кам таъминланган оилаларнинг хонадонларида ободонлаштириш ишларини олиб бориб, аҳоли, корхона ва ташкилотларга шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳудудда темир эшик ва дарвозаларга талаб юқори бўлганлиги сабаб темир буюмлари ишлаб чиқарилляпти.

Электр мотороллер, ер ҳайдаш мини ускунаси, ҳашаротларга дори сепиш ва бошқа ускуналар билан давлат ва жамоат ташкилотларига пуллик хизмат кўрсатилиб, даромад топишга эришилди. Кўчалар ободонлаштирилиб, терак кўчатлари экилди.

Бир сўз билан айтганда, янги тизим асосида маҳаллалар озодлиги, ободлиги таъминланяпти. Хонадонлардаги муаммоларга ўз вақтида ечим топилляпти.

Авазбек ОРТИҚОВ, Чилонзор тумани:

— Мен хусусий ташкилотда ишлайман. Қонунчиликка кўра, иш кунни давомида дам олиш учун қандай танаффуслардан фойдалана оламан? Амалдаги қонунчиликда белгиланган имтиёзлар хусусий секторга ҳам тааллуқлими?

ХОДИМГА ДАМ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАНАФФУС БЕРИЛАДИ?

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги медиа маркази раҳбари:

— Бу масала Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига тартибга солинган. Унга кўра, иш кунни давомида ходимга дам олиш ва овқатланиш учун давомийлиги камида 30 дақиқа ва кўпи билан 2 соат бўлган, иш вақтига киритилмайдиган танаффус берилиши керак.

Ички меҳнат тартиб-қоидаларида ёки меҳнат шартномасида, агар ходим учун белгиланган кунлик ишнинг давомийлиги тўрт соатдан ошмаса, унга мазкур танаффус берилмаслиги назарда тутилмиши мумкин.

Дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш вақти ва унинг аник давомийлиги ички меҳнат тартиб-қоидаларида ёки ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Ходимлар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланади. Бу вақтда иш жойидан чиқиб кетиши мумкин.

Дам олиш ва овқатланиш учун танаффус вақти умуман барча ходимлар учун ёки таркибий бўлинмалар, бригадалар ва ходимларнинг айрим гуруҳлари учун алоҳида белгиланиши мумкин.



Қонунчиликда, санитария меъёрлари ва қоидаларида айрим тоифадаги ходимларга дам олиш ва овқатланиш учун танаффус беришнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилди.

Юқоридаги меъёрлар давлат ва нодавлат корхона ҳамда ташкилотлар учун бир хилда татбиқ этилади.

МЕНДА САВОЛ БОР..

ТАЖРИБА

“Ибратли”даги ҳар бир амал ибратга арзигулик

Маҳалламиз 2019 йилда ташкил топган. Ҳудудда мавжуд 1 003 та хонадонда 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер”имиз — чорвачилик ва деҳқончилик. Кўшимча ўсиш нуқтамиз — иссиқхоначилик.



Музаффар НАЗАРОВ, Гулистон шаҳридаги “Ибратли” маҳалласи раиси.

Хозирда 60 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Томорқа ва иссиқхонада мавсумга қараб кўкатлар, помидор, бодринг, булғор қалампери, картошка, лимон, полиз экинлари экилади. Шунингдек, аҳоли қандолатчилик, паррандачилик, асарарчилик, мебелсозлик, балиқчилик каби йўналишларда банд.

Юлдуз Отабоева Туркияда турли хил қандолатчилик махсулотлари ва ширинликлар тайёрлашни ўрганиб қайтди. Хозирда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, хонадонда 6 нафар маҳалладашнинг бандлигини таъминлади.

Махсулотни Гулистон марказий деҳқон бозори орқали вилоят аҳолисига етказиб бермоқда.

Мирали Қосимов хонадонда тадбиркорликнинг 5 та йўналишини йўлга қўйган. Иссиқхонада лимон ва мандарин кўчатларини етиштиряпти. Бундан ташқари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асарарчилик билан шуғулланяпти.

Раҳим Исмоилов ва Анвар Норматов мебелсозлик йўналишида фаолият олиб борапти. Ҳар иккови жами 10 та иш ўрни яратган.

2024 йилда “Бизнесни ривожлантириш банки” орқали 20 та камбағал оилага имтиёзли кредит ажратдик. “Аёллар дафтари”даги 92 нафар хотин-қизга кўмак кўрсатилди. Жумладан, 5 нафарига субсидия асосида тикув машинаси ва қандолатчилик ускунаси берилди. “Ешлар дафтари”даги

20 нафар йигит-қизга 9 гектар ер тақсимланди. Йил бошида 22 нафар ишсиз аниқланганди. Қисқа вақтда улар ўзини ўзи банд қилди. Хозир ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

2024 йил якунида инфра-тузилма билан боғлиқ муаммо ҳал бўлди. Гулзор, Жалоридин Мангуберди, Юлдуз, Янги авлод кўчаларининг ички қисми асфальтланди. “Маҳалла бюджети” маблағи ҳисобидан 65 та кўчага чиқок ўрнатилди. “Ибратли” маҳалласи ҳудудида бўш турган ва фойдаланилмаётган, оқова сув билан суғорилмайдиган ер майдонларида “Яшил макон” лойиҳаси асосида кўп суғориш талаб қилмайдиган павлония, тут, узум ва бошқа турли кўчатлар экиш, боғ барпо қилиш ишлари олиб борилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз номига мос тарзда ривожланяпти.

● Раҳим Исмоилов ва Анвар Норматов мебелсозлик йўналишида фаолият олиб борапти. Ҳар иккови жами 10 та иш ўрни яратган.



Пахта хомашёсини ўз маблағлари ҳисобидан етиштирганларга белгиланган микдорда СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ.



2024 йилда Ҳисоб палатаси янги манбалар ҳисобидан 3,7 ТРИЛЛИОН СЎМ бюджетга қўшимча тушумларни таъминлади.



2024 йилда вазирлик ва идораларнинг 9,2 триллион сўмлик САМАРАСИЗ ХАРАЖАТЛАРИ мақбуллаштирилди.

ТАЖРИБА

“ЕТТИЛИК” ТАШАББУСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАДИ



Ёрқинжон ШЕРНАЗАРОВ, Тошлоқ туманидаги “Найман” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламиз туман марказидан 20 қақирим олисда, вилоятнинг энг чекка ҳудудда жойлашган. Қишлоқ одамлари йиллар давомида дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қолаверса, бизда шаҳардаги каби шароит бўлмагани ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари йўқлиги учун аёллар, асосан, уйда, рўзгор ишлари билан банд. Туман марказига бориб ишлай деса, масофа узок. Шу сабабли хотин-қизлар ишсиз қолаётганди. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан энди вазият тубдан ўзгарди. Худудда тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун ички имкониятлар ишга солинди. Аниқроғи, барча шароитга

эга маҳалланинг икки қаватли биноси бўлиб, айрим хоналар бўш турганди. Мана шундан самарали фойдаланиш мақсадида тикувчилик корхонасига асос солдик. Дастлаб “Ғиждувон тажрибаси” асосида субсидия ҳисобидан эҳтиёжманд ва ишсиз хотин-қизларга 8 та тикув машинаси ажратдик. Имкониятимиз кенг эканини англаб, Россия фуқароси бўлган тадбиркор Қаддо Хусайин Мустафони ҳамкорликка жалб қилдик. Инвестор кичик корхона ташкил этиб, қўшимча 34 та тикув машинаси олиб келиб ўрнатди. Шу тариқа ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланди. Тикилаётган либослар хорижга экспорт қилинапти. Қисқа фурсатда ишга чанқоқ хотин-қизлар меҳнати билан яхши натижага эришган тадбиркор фаолиятини кенгайтирди. Унга яна бир бўш турган бино ажратиб берилгач, 60 дон тикув машинаси ўрнатилди. Бу ерда 100 на-

фар хотин-қиз ишли бўлди. Ҳар икки корхонада жами 153 нафар иш ўрни яратилди. Шундан 70 нафари найманлик ишсиз хотин-қизлар. Ойлик иш ҳақи 2 миллион сўмни ташкил этяпти. Аини вақтда бир кунда 1 000 донагача аёллар кўйлаклари тикилмоқда. Одатда уй ишларидан ортмайдиган опа-сингиллар энди қўшимча иш билан шуғулланапти. Муҳими, оилаларига даромад қирапти. Мисол учун, Нилуфар Отабоева, Одина Ҳошимова, Сарвиноз Омонова, Майрамхон Қувватова, Манзура Йигиталиева ишсиз ва эҳтиёжманд сифатида “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Бугун тадбиркорлик қиламан, иш ўрни яратаман, деган ташаббускорлар кўлаб-қувватланмоқда. Бу туманнинг олис қишлоғида биргина ташаббус билан амалга оширилган ва эришилган натижада яққол акс этяпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАР КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ҲИСОБЛАНАДИ?

Носиржон ЭГАМБЕРДИЕВ, Қарши шахри:

— Бир йил аввал ишсиз эдим. Имтиёзли кредит эвазига хонадонимда иссиқхона ташкил этиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтдим. Энди етиштирган маҳсулотимни сотиш учун савдо дўкони очмоқчиман. Бунинг учун кичик тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтишим керак экан. Шу ҳақида маълумот бера оласизми?

Аброрбек ЭЪЗОХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга асосан, яқка тартибдаги тадбиркорлар, ишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши бўлган микрофирмалар кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Бундан ташқари, қуйидаги тармоқлардаги корхоналар кичик тадбиркорлик субъекти сифатида таснифланади: — енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 200 киши; — металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 100 киши; — машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 50 киши; — фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 25 киши бўлган кичик корхоналар. Ходимларнинг ўртача йиллик сони қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинганларнинг, унитар корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳисобга олинади.



АРНАСОЙЛИК ХОДИМЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Арнасой тумани бўлими ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” ходимлари Ғаллаорол туманида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали аҳоли даромадларини ошириш борасидаги тажриба билан танишишди.

Дастлабки манзилда арнасойлик ходимлар “Мулкуш” маҳалласида яшовчи Хусниддин Аъзамов хонадонидан бўлиши. Тадбиркор утган йили тажриба тариқасида кўзиқорин етиштиришни йўлга қўйган. Хавас билан бошланган иш кейинчалик қатъий ишончга, мақсадга айланди. Банкдан олинган 100 миллион сўм кредит эвазига фаолият кенгайтирилиб, оилавий корхонага асос солинди. Аини вақтда 6 та иш ўрни яратилган. Умуман, 2024 йилда “Мулкуш” маҳалласида тадбиркорлик истагидаги 70 нафар фуқарога жами 1 миллиард 100 миллион сўм имтиёзли кредит берилган. Натижада 110 та иш ўрни пайдо бўлган. Бу каби ютуқ ва тажрибани Арнасой туманидаги ҳар бир маҳаллада оммалаштиришга келишиб олинди.

Адам ЮНУСОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Арнасой тумани бўлими мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Муаммоли кредитнинг муаммоси нимада?

Маҳаллада тадбиркорлик муҳитини яратиш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “еттилик” тавсияси билан имтиёзли кредит ажратилмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Худудларда бу восита орқали иш ўринлари яратилиб, камбағалликни қисқартиришга эришил- япти. Лекин шולי кур- максиз бўлмас, деганларидек, кредит маблағини ўз вақтида тўламаслик ҳолати учраб турибди. Афсуски, муаммоли кредитни сўндириш, асосан, ҳоким ёрдамчиси зиммасига тушяпти. Ҳўш, бу каби салбий ҳолатлар келиб чиқиши-


га нима сабаб бўляпти, уни бартараф этиш йўллари борми? Саволларга амалиётчи — ҳоким ёрдамчиларининг ўзидан жавоб олишга ҳаракат қилдик. — Маҳалламизда 2024 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича 64 нафар фуқарога турли мақсадда имтиёзли кредит ажратилди, — дейди **Фориш туманидаги Амир Темур номидаги маҳалла ҳоким ёрдамчиси Алижон Саъдуллаев**. — Боғдорчилик йўналишидаги битта лойиҳа муаммоли кредитга айланди. Сабабини ўрганишимизда фуқаро белгиланган йўналишда фаолиятини бошламай, сотиб олган маҳсулотини шахсий манфаатига ишлатиб юборган. Ҳолат

декабрь ойида аниқлангани учун ҳозирда атрофлича ўрганилмиш. Фаолиятини қайта ташкил этиш чораси кўриляпти. Агар ижобий натижага эришмасак, тегишли тартибда ҳуқуқий чора кўришга мажбур бўлаемиз. Бундай вазиятлар юзага келишига асосий сабаб — имтиёзли кредит олган фуқарога қандай гаров ёки кафиллик талаб этилмайди. Фақат суғурта қилинади. Шу боис имтиёзли кредит олган фуқарога масъулият ёки қўрқув бўлмаяпти. Тақлифим, аввалгидек, кафилликни тиклаш керак. Бундан ташқари, чорвачилик йўналишидан ташқари, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга нақд шаклда маблағ беришни йўлга қўйиш

лозим. Чунки пул ўтказиш орқали маҳсулот харид қилинганда нарх қимматлаб кетяпти. **Шовот туманидаги “Арчазор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Жамол Рўзметовнинг** қайд этишича, ўтган йили 58 нафар талабгорга имтиёзли кредит берилган. Натижада 85 та иш ўрни яратилган. — **Фақатгина 2022 йилда битта ҳолатда муаммоли кредит юзага келган, — дейди Ж.Рўзметов**. — Эр хотини номига кредит олган бўлиб, қутилмаганда эр-хотин ажрашди. Аёл ўзи туғилиб ўсган Қашқадарё вилоятига кетиб қолди. Эр биринчи турмушидан туғилган фарзандлари учун алимент тўлабди олмагани учун қамалди. Натижада кредитни

суғурта орқали сўндиридик. Тақлифим, имтиёзли кредит ажратилганда қўйилган талабни қайта кўриб чиқиш керак. Тавсияни пул билан муомала қилиш билимига эга бўлганларга бериш лозим. Айрим ҳолларда қўлига маблағ тушган фуқаролар уни шахсий мақсадда ишлатиб юборяпти. Хулоса сифатида айтсак, тижорат банклари томонидан берилган маблағнинг муаммоли кредитга айланмаслигини таъминлаш учун арзиза атрофлича ўрганилиши, дастлабки мониторингни тўғри ва мукаммал амалга ошириш лозим. Кредит бўлими ходими талабгорнинг молиявий аҳволини чуқур таҳлил этиб, холис баҳолаши керак.

ТАҲЛИЛ





2024 йилда жисмоний шахсларнинг Ўзбекистонга ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ 30 фоизга кўпайиб, 14,8 млрд. долларни ташкил қилди.



Очиқлик талабларини бажармагани учун 2024 йилда 5 нафар мансабдор шахс ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ.




Тошкент вилояти ва шаҳрида атмосферага зарар етказётган 46 та иссиқхонанинг ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ХОРИЖДА ИШ БОР”, ДЕСА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ!

Нодир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Томди тумани:

— Ижтимоий тармоқларда “Словакия давлатининг “Volkswagen Slovakia” заводида ишга таклиф этилади”, деган мазмундаги эълонни ўқиб қолдим. Эълонда қолдирилган телефон рақамига боғлансам, кетиш олди харажати учун 26 миллион сўм пул тўлаш зарурлигини айтишди. Бундай вазиятда алданиб қолмаслик учун нимага эътибор бериш керак?



Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
Томди тумани адлия бошқармаси бошлиғи:

— Бундай эълонларга кўзингиз тушса, биринчи навбатда, қиладиган ишингиз – ишга жойлаштиришни таклиф қилаётган фирманинг лицензияси бор-йўқлигини текширинг. Чунки “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи агентликлар тегишли лицензия мавжуд бўлган тақдирда фаолият юритишга ҳақли. Шунга кўра Сиз, биринчи навбатда, ўша фирманинг лицензияси борлигини текширинг.

Бундан ташқари, юқоридаги қонуннинг 15-моддасига асосан, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома хусусий бандлик агентлиги томонидан иш қидираётган шахс ва иш берувчи билан ёзма шаклда тузилади. Шартномада хизматларнинг мазмуни, муддати, ҳақ тўлаш шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уни бекор қилиш тартиби, мажбуриятлар бажарилмаганда пул маблағларини қайтариш тартиби бўлиши керак.

Ушбу масалада Сиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигига мурожаат қилишингиз лозим. Ушбу ташкилот сизга юқоридаги масалаларда амалий ёрдам беришга ваколатли.

Айни дамда Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” асарини мутолаа қилганиман. Хар ой шу каби биттадан китоб ўқиб, тугатишни кундалик тарзига айлантирдим.

Давлат ДОНАЕВ,
Ширин шаҳридаги Амир Темур номидаги маҳалла ёшлар етакчиси.

Шу йўсинда ёшлар билан бир қаторда ўз устимда ишлаб келяпман. Ахир уларнинг ишончини қозониш, хурматига сазовор бўлиш учун, аввало, ислохотни ўзимдан бошлашим лозим!

Албатта, бу фикрим тез орада ўз тасдиғини топти. Яқинда ёш бўлишимга қарамай, маҳалладошларим билдирган ишонч туфайли халқ депутатлари шаҳар Кенгашига депутат этиб сайландим. Бундан ташқари, Миллий кадрлар захирасига номзодман. Бу мен учун ихтиёрийлик, ҳолислик ва очкилик тамойиллари асосида ёшлар ўртасидаги муаммоларга доир сўзларимни очик баён этиш имкониятини кенгайтиради.

Ҳозирда яратилаёт-



ган шарт-шароитлардан фойдаланиб, ёшлар истеъдодининг янги қирраларини очиш ниятидаман. Бунинг натижадорлигини кўрсатадиган “Беш ташаббус олимпиадаси” ёшлар учун кенг имконият манзилга айланди. Хусусан, спортнинг 14 та йўналиши бўйича туман-шаҳар кесимида 12 нафар ёшимиз биринчиликни қўлга киритди. Ҳаттоки, ногиронлиги бор ёшларимиз ҳам олимпиадада фаол иштирок этяпти. Шундай ёшларимиздан бири Самариддин Бекназаров спорт тенниси

бўйича Республика миқёсда паралимпиадада қатнашиб, шоҳсупани эгаллади.

Ушбу олимпиадада ёшларни жалб қилиш билан бир қаторда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш устида алоҳида ишлаяпмиз. Яқинда миграциядан қайтган Мусобек Назарматов “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсумида сартарошлик бўйича қатнашиб, вилоят бўйича 1-ўринни эгаллаганди. Унинг келажакдаги режаларини сўраганимизда, сартарошлик билан

доимий шуғулланмоқчи эканини билдирди. Тезда унга субсидия ажратиб, амалий ёрдам кўрсатдик. Биринчи навбатда, сартарошхона очиб, ўзини ўзи банд қилди. Бу билан чекланиб қолмай, яқка тартибдаги тадбиркорликни йўлга қўйиб, фаолиятини кенгайтирди. Ҳозир ёнида шогирдлари бор. Яхши жиҳати шундаки, шогирдлари иш ўрганиш билан бирга маош ҳам олапти.

Ҳозирги пайтда тил ўрганишга талаб ошиб бораётгани боис “Ибрат фарзандлари” лойиҳа-

сига ёшлар кўпроқ жалб қилинапти. Бу бўйича натижалар фахрланарли. Жумладан, ҳозиргача 13 нафар ёш 7-7,5 даражали “IELTS” сертификатига эга бўлди. Қувонарлиси, нафақат ёшлар, балки ота-оналари ҳам қизиқиш билдириб, айнан бу лойиҳадан кенг фойдаланиб келмоқда.

Ҳозирда умумий ҳисобда 900 нафар ёш ушбу лойиҳадан рўйхатдан ўтган. Уларнинг 250 нафари В2 сертификатига эга. Улар қаторидан ўзим ҳам жой олдим. Юқорида айтганимдек, хар соҳада, аввало, ўзим уларга ўрнатқ бўлишим лозим. Улар билан тенгма-тенг илм олаётганим ёшларга янада шижоат бағишлайди, деб умид қиламан.

Қонунчиликда 30 ёшгача бўлган ёшларга уй-жой ажратиш тартиби мавжуд. Янги қурилган хонадонларга эга бўлиш учун давлат 30 миллион сўм бошланғич тўлов ажратади. Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчиман: ёш оилаларга иккиламчи бозордан уй олишга имтиёз берилса, яхши бўларди. Сабabi, янги уйнинг нархи улар учун қимматлик қилапти. Фойдаланишда бўлган, аввал қурилган уйлар ҳозирги тартиб асосида ажратилса, кўплай оилаларнинг уй-жой муаммоси ҳал бўларди...

МАҲАЛЛАДА ИНКЛЮЗИВ ОРОМГОҲ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ “ДЕВОРИ КўНДАЛАНГ” МАҲАЛЛАСИДА ИЛК БОР БЕШ КУНЛИК ҚИШКИ ИНКЛЮЗИВ ОРОМГОҲ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Халқаро лойиҳа доирасида оромгоҳда инклюзив таълимга зарурати бор ўқувчилар учун ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув машғулотлари олиб борилди. Ўқувчилар таътил кунлари ўзларининг

тенгдошлари билан мулоқот қилишди, тил ўрганишди, ҳайкалтарошлик, рақс, санъат бўйича машғулотларда қатнашди.

“Девори кўндаланг” маҳалласининг алоҳида эҳтиёжли болажонлари инклюзив оромгоҳда ўтказилган беш кунлик машғулотлардан сўнг ўзлаштирган билими

ва кўникмаларини ота-оналари учун тақдим этишди. “Самбил” эртаги инглиз тилида саҳналаштирилди. Ўқувчиларга сертификатлар топширилди.

Эндиликда бу каби инклюзив оромгоҳлар мунтазам ташкил этилиб, муддати 10-15 кунга узайтирилиши режалаштирилган.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



ТЕЛЕФОН

Мобил телефон бугунги кунда ҳаётимизнинг зарур воситасига айланган улгурди. Масофадан туриб бирор нима харид қилиш, кимгадир боғланиш, хабар жўнатиш каби қулайликлар сабаб инсонларнинг иши осонлашди. Бироқ бир қарашда ҳамма нарса ҳам кўринганидек яхши ва гўзал эмас.

Афсуски, мобил телефонларнинг зарари ҳақида ҳали тўлиқ тушунчага эга эмасмиз. Кўпчилик бунга бепарволик билан қарайди. Бугун мобил қурилмаларни, ҳатто, боғча ёшидаги болаларнинг қўлида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, ёш ота-оналар уй юмушлари билан машғул бўлганда фарзандини тинчлантириш учун унинг қўлига ушбу қурилмани овуноқ сифатида бериб қўймоқда. Бунинг келажакдаги салбий оқибатлари ҳақида эса ўйлаб кўришмаяпти.

— **Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда 5-16 ёшдаги болалар кунига 3 соатдан 8 соатгача вақтини телефон қаршида ўтказишади, — дейди Республика кўз касалликлари клиник шифокони бош шифокори Отабек Икромов.** — Бунинг натижасида уларда телефонга қарамлик, ундан айрилиб қолишдан қўрқув ҳисси пайдо бўлади. “XXI аср эпидемияси”;

дея таърифланувчи бу касаллик “номофобия” дейилади.

Афсуски, бугун номофобия болалар орасида энг кўп тарқалган психологик касалликлардан бирига айланганга улгурди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гаджетларга бўлган тобалик даражаси, айниқса, у кичик ёшдан шаклланиб келган бўлса, ҳатто, нарқоқарамликдан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин экан.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ўсиб бораётган ва ҳали шаклланаётган организм учун бу

ИСКАНЖАСИДАГИ БОЛАЛАР



зарар жуда хавфли. Боланинг бош суяги катталариникига қараганда анча юпқароқ бўлиб, боланинг суяк илиги электромагнит нурланишлари 10 баробар кўпроқ синдириши мумкин. Нурланиш асаб ва иммун тизимларига зарар етказиши, бу эса хотиранинг йўқолиши, диққатни жамлашни камайиши, бош оғриғи, бепарво-

лик ва инжиқликка олиб келади. Олимлар 8 ёшгача бўлган болалар уяли телефонлардан фойдаланмасликларни керак, деган хулосага келишди. Чунки телефон нурланиши туфайли мия ўсмаси пайдо бўлиш хавфи жуда катта.

Айни замоннинг глобаллашув даврида болажонларни бу хавфдан асраб-авайлаш, соғлом улғайишни таъминлаш катталарнинг вазифаси экан, бу масалага хар бир ота-она жиддий эътибор қаратиши лозим. Бунинг учун, аввало, уларни мобил алоқа воситаларидан йироқда тутиш даркор. Табиийки, бу осон кечмайди. Агар кичкина боланинг сизни мобил телефон билан “уйнашга” кўндирмоқчи бўлса, камиди ўчиш режими

мини ёқинг. Агар бола каттароқ бўлса, у мобил телефонни ёқини ва ўчиришни яхши билади. У сиздан телефонни беришингизни сўрайди. Телефонни беришингиз мумкин, лекин вақтини чеклаш шarti билан — фақат бир неча кўшиқни тинглаш ёки бувисига кўнғироқ қилиш учун.

Кишилик жамияти юксалиб, тараққий этиб борар экан, телефоннинг ҳам аҳамияти ортиб боряпти. Ундан тўғри фойдаланишга хар биримиз масъулимиз. Айниқса, ўсимлик ёшидаги болаларга нима яхшию, нима ёмонлигини ўргатиб бориш борасида ота-оналар жуда катта масъулият юкланади. Уларнинг телефондан нима мақсадда фойдаланаётганидан доим хабардор бўлиб туриш, бир сўз билан айтганда, ривожланган технология ортдан келадиган фитналардан фарзандларимизни асрашимиз зарур.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



2024 йилда аҳоли банкларга 16,1 млрд. доллар сотдирида ВАЛЮТА СОТИБ, 9,4 млрд. долларни сотиб олди.



Малайзиянинг "FIVE PETROLEUM" компанияси Ўзбекистонда ёқилги қуйиш шохбчалари тармоғини яратмоқчи.



Ўзбекистондаги юк машиналари, автобус ва локомотив ҳайдовчилари ГЕРМАНИЯГА ИШГА ТАКЛИФ қилинмоқда.

МИНБАР

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

“ОЙДИН” намунали маҳаллага айланди



минланди. “Обод қишлоқ” дастури асосида 20 миллиард 700 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 3,6 км. ички кўчалар асфальтланиб, 13,5 км. қисми шағаллаштирилди. Кўчаларга 76 та тунги ёриткич чироклари ўрнатилди.

Бундай хайрли ишлар жорий йилда давом эттирилиб, қабристонга олиб боровчи бир километр йўл қурилиб, атрофи девор билан ўралади. Дарвоза ўрнатилиб, битта ичимлик сув фильтлаш иншооти қурилиши режалаштирилган. Ногирон инсонларнинг 24 та хонадони таъмирланди. Қувонарлиси, ушбу маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилади.

Утган йили 7 ноябрда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев ўтказган йиғилишида “Ойдин” маҳалла раиси С.Жовлиев хуудуида “Обод қишлоқ” дастури доирасида қурилиш ишлари якунланмасдан қолган маҳалла боғига артезиан қудук орқали сув чиқариш, 150 метр йўлак қуриш, 50 метр квадрат жойни бетонлаш ва маҳалла боғи яратиш режалаштирилганини билдирган эди. Шундан сўнг К.Куронбоев қури-

лиш-таъмирлаш ишлари учун 80 млн. сўм маблағ ажратди.

Бундан ташқари, ушбу маҳалла “Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига 33 та лойиҳа” танловида “Дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш” лойиҳаси бўйича биринчи ўринни эгаллаб, 200 млн. сўм ютуққа эга бўлди. Йиғин фаоллари ушбу маблағ ҳисобига спорт иншооти қуришни режалаштиряпти.

“Ойдин” маҳалласида “Сайхунобод тажрибаси” асосида бешта кўча танаб олиниб, улардаги хонадонларда озик-овқат маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди. Аҳолига экинларни суғориш учун сув насослари олиб берилди. Бу йил маҳаллада Сайхунобод ва Зарбдор туманлари тажрибалари асосида 835 та томорқа эгаларининг 167,9 гектар ер майдонида турли озик-овқат маҳсулотлари етиштирилади.

Бекжизга “Ойдин” маҳалласида қилинган ишларни санаб ўтандим. Чунки бир йилда нимага эришиш мумкин эканини айнан ушбу маҳалла мисолида кўришимиз мумкин. Фақат “маҳалла еттилиги” ташаббускор, жонқур бўлса, халқ бирдамликда ҳаракат қилса, ҳал этилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилиб, “маҳалла еттилиги” ни бошлагач, кўндаланча фуқароларнинг бўлиб, даромад топиштириб, кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишти. Маҳаллалар обод бўлиб, оилалар фаровонлиги яхшиланган, жашоатчилик кўндаланча яхшиланган.

Бекназар САРИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Нишон тумани бўлими бошлиғи.

Хар бир маҳалланинг ўз бюджет ташкил этилиб, “Маҳалла баланси”, “Йўл харитаси”, Бандлик дастури, “Омбор китоб”лари шакллантирилди. Йиғинларга оид барча маълумотлар ягона – “Рақамли маҳалла” платформасига киритилди. Биргина Бандлик дастури доирасида 4 900 нафар фуқаро янги ташкил этилган иш ўринларига жойлаштирилди. 235 нафари бўш иш ўринларида меҳнат фаолиятини бошлаган бўлса, 836 нафарига субсидия, 613 нафарига кредит берилиб, касаначилик, тадбиркорлик, чорвачилик ва бошқа йўналишларда бандлиги таъминланди. 975 нафари касб-хунарга ўқиш орқали даромадга эга бўлди.

Жорий йил Бандлик дастури доирасида 2 965 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 40 мингта (8,5 мингта доимий, 21,9 мингта мавсумий) иш ўрни яратилди. 9,6 минг нафар аҳоли бизнесга жалб этилади. Шу тарихда ишсизлик даражаси 4,1 фоизга туширилади. 402 нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 9,8 фоизга камайтирилади.

Утган йили “Сайхунобод тажрибаси” асосида 40 та маҳаллага учта – “Агробанк”, “Микро-

кредитбанк” ва “Халқ банки” бириктирилиб, ҳар бир йиғин кесимида дастур ишлаб чиқилди. Шу асосида 81 нафар ишсиз фуқарога, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури” ҳамда “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси доирасида мингдан ортиқ нишонликларга кредит ажратилди. Бу йил Сайхунобод, Зарбдор туманлари ҳамда Хитой тажрибалари кенг жорий қилиниб, томорқадан уч марта ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва асаларичиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадлари оширилди.

Яна бир янгилик, маҳаллаларга чиқиб, сайёр қабуллар ўтказилиши натижасида аҳоли мурожаатлари кескин камайдди. Чунки ҳар бир муаммо маҳалланинг ўзида “еттилик” иштирокида ҳал этиляпти. Утган йилнинг ўзида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Нишон тумани бўлимига Виртуал қабулхона орқали келиб тушган 603 та мурожаатнинг 99 фоизи қаноатлантирилди. Биттасига умумий тушунча берилди. Жорий йилда ҳам аҳолини қийнаётган масалалар жойига чиқиб ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилади.

“Ойдин” маҳалласидаги кўплаб муаммоли масалалар айнан сайёр қабуллар ҳамда фуқаролар мурожаати асосида ҳал этилди. Йиғин аҳолисининг етмиш фоизи ичимлик сув билан таъ-



Ҳар бир йиғин кесимида дастур ишлаб чиқилди.

СОЛИҚЛАРНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАШ КЎРСАТКИЧИ ОРТАЯПТИ

Мамлакатимизда яратилган янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини берапти. Айниқса, маҳаллаларга бириктирилган биз каби солиқ инспекторлари нафақат ҳудуди бўйича солиқ тушумларини ошириш билан, балки ана шу ниятдаги фуқаролар ва тадбиркорлар муаммоларини аниқлаб, уларни ечиш билан шуғулланишимиз.



Президентимизнинг тегишли фармони билан Олтинсой тумани ихтисослашувчи ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб, 5-тоифага киритилган. Туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига 2026 йилнинг 1 январига қадар кўплаб солиқ имтиёзлари берилди. Жумладан, тадбиркорлар фойда солиғи, айланмадан олинмаган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз тўлашади. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва улардан олинмаган ер солиғи мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридидаги солиқ ставкалар қўлланилмоқда. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлар 2026 йилнинг 1 январига қадар жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинган.

“Солиқчи – кўмакчи” тамоийли асосида тадбиркорларга берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, самарали фаолият юритишлари ва солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари кераклигини тушуниришлари. Фаолиятлари билан боғлиқ муаммоларига биргалликда ечим излашимиз. Жумладан, вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 10 та тадбиркорлик субъекти фао-

лияти тикланди. Бироқ гуруч курмасиз бўлмади, деганларидек, хатлов жараёнида 11 нафар оқонуний фаолият юритаётган тадбиркор янгидан рўйхатдан ўтказилди. 27 та корхонада норасмий ишлаётган 36 нафар фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, 5,1 млн. сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди.

Бугунги кунда менга бириктирилган учта маҳаллада 163 нафардан зиёд тадбиркор, 141 та дехқон ва 74 та фермер хўжалиғи, 1 709 нафар ер ва 1 695 нафар мол-мулк солиғи тўловчиси бор. Фуқароларга мол-мулк ва ер солиғини белгиланган муддатларда тўлаш, қадарат ҳужжатларига киритилмаган ер майдонларини қонунийлаштириш зарурлигини тушунириб, амалий кўмак берилди. Натижада солиқ тўловчилар сони ҳамда солиқларни ихтиёрий тўлаш кўрсаткичлари мунтазам ўсиб бормоқда. Утган йилнинг ўзида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан 1 167,6 млн. сўм ундирилди.


Энг муҳими, самардорлик кўрсаткичларим яхшиланмоқда. Утган йилнинг сўнги – декабрь ойида вилоятда энг юқори кўрсаткични эгаллаб, 200 фоизлик рағбатлантирувчи устамгага эга бўлдим.

Жўрабой ВОЙИТОВ, Олтинсой туманидаги “Хидиршо”, “Экраз” ва “Хайрондара” маҳаллалари солиқ инспектори.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“КОНТРАКТ”

ПУЛИДАН СОЛИҚ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?



MOBILE-ID SHAXSNI TASHIQLASHNING OSON VA QULAY USULI!



Нозима АБРАҲАМОВА, Сурхондарё вилояти:

– 2-курс талабасиман. Шартнома пулларимни ўзим ишлаб тўлаяпман. Эшитишимча, шартнома тўловига йўналтирилган 12 фоиз даромад солиғини қайтариб олиш мумкин экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари:

– Албатта, жисмоний шахслар “контракт” тўловига йўналтирилган 12 фоиз даромад солиғини масофадан қайтариб олиши мумкин. Бунинг учун, аввало, “Soliq” мобил иловасини юклаб олиб, Face ID дан ўтинг. Мазкур мобил иловада “Солиқларим” бўлимига кириш. Сўнг “Солиқ имтиёзини қайтариш”га, кейин “Профессионал ва олий таълим ташкилотларига тўлаган контракт тўловларим” (бу ерда хусусий боғча, мактаб ва ипотeka кредити тўлаганларга ҳам мана шундай хизмат

бор)га кириш. Сўралган маълумотларни киритинг. Тўланган умумий суммани кўрсатинг, чекларингиз бўлса QR-кодни сканерланг ёки битта қилиб, квитанция ва шартнома файлини олдин телефонингизга сақлаб, кейин “PDF”да бириктиринг. “Давом этиш”ни босинг, бу ерда жами сумма ва қайтариш суммаси ҳисобланади. Яна давом этинг, “маълумотларни текшириш”ни босиб, кўриб олинг, суммани автоматик ҳисоблайди. Энди “юбориш”ни боссангиз бўлади. Шу тарихда аризани юборасиз, рўйхатга олинади. Энди ортиқча суммани қайтаришга ариза берасиз. Бунинг учун “Soliq” мобил

иловасининг асосий менюсига қайтасиз. У ерда “Кешбэк ва имтиёзлар бўлими”дан “Ортиқча тўловни қайтариш” хизматига кириб, қайтаришни босасиз. Пластик карта олган банкнинг транзит рақами ва М.Ф.О.сини киритасиз. Уни банк иловасидан кўриб олсангиз бўлади. Шундан сўнг “Ариза юбориш”ни босинг, сизга яратилган ариза рақами ва кўриб чиқиш муддати маълум қилинади. Ариза ҳолатини кузатиб туришингиз мумкин. Рад этилса, “батафсил”да сабаби кўрсатилади. Жараёндаги ёки ижро этилган ҳам маълум қилиб турилади.



2024 йилда
6 898 нафар шахс
5 716 та КОРРУПЦИЯГА
ОИД ЖИНОЯТ
содир этган.



Алоҳида дори
воситаларини
клиник тадқиқотларсиз
ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН
ЎТКАЗИШ тартиби
тасдиқланди.



Амударё устидан
ўтувчи янги кўприқда
“Урганч – Кўнғирот”
йўналишида ПОЕЗД
ҚАТНОВИ йўлга қўйилади.

“ЕТТИЛИК” ТАВСИЯСИ ДАРОМАД КЕЛТИРЯПТИ



КАМБАҒАЛЛИКДАН
ФАРОВОНЛИК САРИ

Тошкент вилояти маҳаллаларида камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, жойларда масъул раҳбарларнинг ўрганишлари, “маҳалла еттилиги” фаолияти бошланганидан сўнг бу борадаги ишлар анча жадаллашди.

Биргина “Камбағалликдан фаровонлик сари” давлат дастури бўйича 7 та йўналишда 39,1 минг нафар аҳолининг даромади тикланиб, камбағаллик даражаси туширилди. Ўтган йили ЎртаЧирчиқ туманида 31 минг 667 нафар аҳоли доимий, мавсумий ва вақтинчалик иш билан таъминланди. Мазкур тумандаги “Мустиқлик” маҳалласида яшовчи Мафтуна Деҳқонбоева “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган, унга “маҳалла еттилиги” тавсияси билан иккита тикув машинаси субсидия асосида берилди. У ўзи каби уйда ўтирган ишсиз аёлларни жалб қилган ҳолда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, катталар ва болалар учун мавсумий кийимлар тикмоқда. Айни кунларда улар ўз махсулотларини вилоятдаги маҳаллий бозорларга етказиб бериб, яхши даромад кўрмоқда.

– Айрим сабабларга кўра, турмушдан ажрашдим ва икки нафар фарзандимни ўзим боқибманга тўғри келяпти, – дейди М.Деҳқонбоева. – Тикувчиликни онамдан ўрганганман. “Маҳалла еттилиги” шароитини яхшилашга ёрдам берди. Ҳозир ишимиз юришиб кетган. Ойига 9 минг донача турли андозадаги кийимлар тайёрлаш имконига эгамиз. Махсулотларимиз арзон, харидорлар ҳам кўпаймоқда.

Робия Раҳимова Ким Пен Ха номидаги маҳаллада яшайди. “ELTS” халқаро даражасидан 6,5 балл олиб, Тошкент шаҳридаги Вебстер университети талабасига айланган Робияхон худуддаги болаларга инглиз тилидан машғулот ўтади. Бу орқали у топаётган даромадини оиласи, ўқиши ва фаолиятини кенгайтиришга сарфламоқда. Маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсияси билан бу ҳаракатчан қизга субсидия асосида компьютер жамламаси берилди.

– Ҳамма марказлардаги нуфузли муассасаларга қатнаб, билим ололмайди. Шу туфайли биз ўз маҳалламизда болаларга инглиз тили курсларини очдик. Беш нафар ўқувчимиз “B2” сертификатини қўлга киритган. Улар орасида олийгоҳ талабалари бор. Келгусида фаолиятимизни кенгайтиришни мақсад қилдим, – дейди Робия Раҳимова.

Жорий йил якунигача худудда камбағал оилаларнинг 2 минг 250 нафари иш билан таъминланади, 281 нафари меҳнат бозоридан талаб юқори бўлган касбларга ўқитилади, 1 минг 856 нафарига қадроланган тиббий хизмат ҳамда 1 минг 238 нафарига эса бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

Вилоят миқёсида 612 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш, 25,3 мингта оиладаги 115,7 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича туман-шаҳарлар раҳбарлари масъуллигида режалар ишлаб чиқилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
журналист.

Хизмат уйи билан ҳудуд янада тинчроқ...

ҲАКИМ ОТА ОВУЛИ — МҲҲНОҚ ТУМАНИ МАРКАЗИДАН ЕТМИШ БЕШ КИЛОМЕТР ОЛИСДА ЖОЙЛАШГАН. ОВУЛ ҲУДУДИ КАТТА — ЕТМИШ КИЛОМЕТРГАЧА ЧЎЗИЛГАН. ШУ БОИС УЧ ЮЗГА ЯҚИН ХОНАДОН АНЧА ТАРҚОҚ.

Саламат ПАХРИДДИНОВ, МҲҲНОҚ туманидаги Ҳақим ота овул фуқаролар йиғини профилактика инспектори.

Фуқароларнинг асосий қисми чорвачилик ортидан кун кечирмоқда. Айримлари овулдаги 18-умумтаълим мактаби ҳамда давлат ва хусусий боғчаларда меҳнат қилмоқда. Бир қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида банд. Худудда бирор ишлаб чиқариш корхонаси ёки тадбиркорлик кенг ривожланмагани учун ишсизлик муаммоси бор. Шу сабаб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти эрта баҳордан кеч кузгача қўшни Қозғистон Республикасида ишлайди. Сувсизлик сабаб кўпчилиги ушбу қўшни республикага

кўчиб кетяпти. Овул фуқаролари бир-бирини яхши танигани, қавму қариндош бўлиб кетгани учун худудда ўзаро жанжаллашиш ёки оилавий келишмовчиликлар йўқ. Фақат мол ўғрилиги билан боғлиқ жиноятлар қайд этиляпти. Чунки аҳоли чорва молларини назорат қилмай, кенг яйлов ва тўқайзорларга ҳайдаб юборишади. Ойлаб қаровсиз қолдирилган моллар эса ўғриларга қўл келяпти. Яқинда иккита ўғрини қўлга олдик. Улар молларни ўғирлаб, сотиб юборишган экан. Шунингдек, фуқароларнинг мол ва отлари ов қуроллари ёрдамида отиб кетилаётгани бўйича олиб борилган суриштирув натижасида қўшни – Тикўзюк овулида яшовчи фуқароларнинг ноқонуний ов қуролидан фойдаланиб юргани аниқланди. Асосий вазифаларимиздан келиб



чикиб, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш чораларини кўряпмиз. Тунги кузатув назорат тадбирлари ташкил этилиб, худудга замонавий видеокузатув қурилмалари қўйилляпти.

Республика миқёсида профилактика инспекторларининг бевосита жойларда хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлари таъминланади. Агар Ҳақим ота овулида ҳам хизмат уйи қурилса, кечая кундуз шу худудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан ишлаш,

жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқолини таъминлаш янада самаралироқ бўларди. Яхшики, овул аҳолиси жуда меҳмондорона. Шу боис ҳақимотликларнинг хонадонларида навбатма-навбат меҳмон бўлиб, хизмат фаолиятини олиб борапман.

НАТИЖА

“Хавфсиз шаҳар” имкониятлари ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДЎ

Сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлиги тизимида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.



Максадбек ҚҲҲОРОВ.

Аҳолига электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, бюрократик тўсиқ ва ёвларга йўл қўймайлик ҳамда идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Биргина “хавфсиз маҳалла” концепцияси асосида профилактика инспекторлари маҳаллалар худудида ўрнатилган замонавий видеокузатув

қурилмалари ёрдамида худудни кечая кундуз қўзғатиб туриш, жиноятчиликни тезкор аниқлаш имконига эга бўлди. Шу боис бундай қурилмаларни ўрнатиш ишлари йилдан-йилга кўпайтириляпти. Ўтган йилнинг ўзида 1 215 та

маҳалла худудига 11 243 та турли видеокузатув (унинг 917 таси теварак-атрофни тўлиқ назорат қилувчи 360 градусли, 1 101 таси автотранспорт воситаларини давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқловчи) қурилма-

лар ўрнатилди. Яқинда Ички ишлар вазирлигида ушбу соҳада олиб борилаётган рақамлаштириш ишлари ва эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди. Унда вазирлиқнинг Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош маркази ҳамда “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази давлат муассасаси тайёрлаган тақдимотлар намойиш этилди. Хусусан, “Хавфсиз шаҳар” тизимининг Ягона аппарат-дастурий платформаси ва унинг имкониятлари тақдимот қилинди. “Лойиҳалар мониторинги” дастурий таъминоти яратилгани ва унинг ёрдамида “Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида республика миқёсидаги лойи-

ҳаларнинг манзилли йиллик дастурлари ижроси, амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режалари ва уларни бажарилиш ҳолатлари назорати кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, ўқув-амалий видео-семинарда Ички ишлар вазирлиги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматлари муҳокама қилинди. Қайд этилишича, миграция ва фуқаролик масаласари, лицензия, автотранспорт, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий статистика ва жазонини ижро этиш йўналишларида кўрсатилган давлат хизматлари рақамли кўринишга ўтказилди. Эндиликда фуқароларда масофадан турган ҳолда инсон омилсиз ички ишлар органлари хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

МОПЕД ВА СКУТЕРГА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ КЕРАК



2025 йил 1 мартдан бошлаб “А” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасиз мопед ва скутерларни бошқариш жаримага сабаб бўлади.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 июлда “Фойдаланишда бўлган мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғри-

сидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинган. Унга кўра, двигателнинг иш ҳажми 25 см3 ва ундан ортиқ, лекин 50 см3дан ошмайди, шунингдек, электр двигателнинг қуввати 0,25 киловатт ва ундан ортиқ, бироқ 4 киловаттдан ошмайди, конструктив тизлиги соатига 25 километр ва ундан ортиқ,

лекин 50 километрдан ошмайдиган транспорт воситалари (мопед ва скутер) учун алоҳида рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари жорий этилди ҳамда бу турдаги транспорт воситалари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Мопед ёки скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини йўл ҳаракати хавфсизлиги

хизмати ҳудудий бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлиминлари амалга оширади. Демак, **2025 йил 1 мартдан бошлаб мопед ва скутер ҳайдовчиларида “А” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши шарт.** Йўқса, ушбу транспорт воситаларини бошқаргани учун жарима солинади.

Достон РУСТАМОВ.

ИЖТИМОЙ ХИМОЯ



Ҳар бир хайр ортида дардга дармон бўлмоқлик мақсади бор

Қорақўл туманидаги “Янги турмуш” маҳалласи ижтимоий ходими Нозима Ҳамдамова 1-гурух ногирони Жўрабек Шерқуловнинг ижтимоий аҳволини ўрганганда, фуқаро 5 йилдан буён ётоқда эканлиги маълум бўлди.

Уни турмуш ўртоғи Маржона Шерқулова парвариш қилаётгани сабабли ишлаш олмаётгани, ногиронлик ва бола нафақаси ҳисобига кун кўраётгани аниқланди.

■ Умиджон УМАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи.

Юқоридагиларни инобатга олиб, индивидуал режа асосида фуқаро ва оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Қизи Ифора “Гепатит А”га қарши эмланди. Шунингдек, Жўрабек Шерқуловга электрон юртимали аравача топширилди, ўзининг қизиқишига кўра, қосиблик қилиш учун ҳомийлик йўли билан уйи олдига устахона очиб берилди. Томорқасидаги мавжуд иссиқхона таъмирланиб, шу орқали турмуш ўртоғи Маржона Шерқуловнинг бандлиги таъминланди.

Ушбу кўрсатилган ёрдамлар натижасида оғир вазиятга тушиб қолган мазкур оиланинг қўшимча даромад манбаига эга бўлиши, 1-гурух ногирони бўлган шахснинг кўчага чиқиши ва оиланинг ижтимоийлашуви таъминланди.

Бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси ҳамда 13 та туман (шаҳар) “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази ташкил қилиниб, 544 та маҳаллада 540 та комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим фаолият юритиб келмоқда.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар 103 турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда. Тизим жорий этилгандан бошлаб маҳалладаги ижтимоий ходим ва марказдаги операторлар 86 минг 911 та ариза қабул қилган бўлиб, шундан 29 минг 823 тасига хизмат кўрсатилди.

2024 йил давомида 7 минг 415 та оилага ижтимоий иш (“кейс”) очилиб, 5 минг 930 тасида бирламчи ва 1 минг 485 тасида комплекс баҳолаш ўтказилди. Оилалар билан ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш бўйича индивидуал режалар ишлаб чиқилди.

Вилоятда бугунги кунда 59 минг 512 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Ўтган йили уларга 21 минг 692 та хизмат кўрсатиш орқали ижтимоий муаммолари бартараф этилди.

Бугунги кунга қадар 290 нафар ногиронлиги бўлган шахсга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди ва 108 нафари бюджет ташкилотларидаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 7 минг 902 нафар шахс ҳудуддаги бўш иш ўринлари мавжуд корхоналарда фаолият юритиб келмоқда.

Вобқент туманидаги “Чорбоқкент” маҳалласида яшовчи 2-гурух ногиронлиги бўлган Муҳиба Алоева 2007 йилда Бухоро Маданият коллежини тамомлаган бўлса-да, аммо соғлиғи ёмонлиги ва иш тополмасани сабаб уйда ўтириб, жамиятдан узоқлашиб қолган эди. Аммо маҳаллада ижтимоий ходим ва психолог кўмаги билан ҳаётга бошқача қарашни ўрганган қаҳрамонимиз яқинда тумандаги Болалар Муқсада ва санъат мактабига тўғра раҳбарли сифатида ишга жойлаштирилди. Айни дамда Муҳиба она сеvimли касби билан шуғулланиб, юртимизда ногиронлиги бўлганларнинг ўқиши ва ишлаши учун яратилган имкониятлардан беҳад миннатдор.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар 103 турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Яқинда, ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича яна бир янги тизим жорий этилди. Мазкур тизим орқали кўзи ожизлар ва қарлар махсус олимпиада спорт турлари билан шуғулланиш ва спорт иншоотларига бориб келишига ёрдам бериши учун “ҳамроҳлик” хизматини кўрсатиш имконияти яратилди.

Спорт билан шуғулланиш тавсия этилган 1 минг 741 нафар ногиронлиги бўлган шахс 20 та спорт мактабидан ташкил қилинган 120 та параспорт гуруҳларига жалб қилинди. Уларга 78 нафар малакали мураббий бириктирилди. Яратиб берилган имкониятлар натижасида параспорт йўналишида 62 нафар ногиронлиги бўлган шахс Паралимпия, Жаҳон чемпионати, Осиё ўйинлари ҳамда Ўзбекистон, вилоят чемпионатларида совринли ўринларни эгаллади.

Амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот, ҳар бир хайрли иш ортида албатта, эҳтиёжманд аҳолининг дардига дармон бўлиш, уларнинг муаммоларига ижобий ечим топиши, ҳаёт сифатини яхшилашдек мақсад мужассам.



Нозик хилжатнинг темир матонати

ЖАСОРАТ

Нигина ШОЕВА, журналист.

Майин ёғаётган ёмғирга маҳлиё бўлиб, пиёда юришни маъқул кўрдим. Узоқдан олов учқунни бир ёниб, бир ўчарди. Аввалига бироз чўчидим. Юрган сари ўша манзилга яқинлашардим. Во ажаб! Олов учқунни билан ишлаётган аёлни кўриб, ҳайратимни яширолмадим. Уни танимасам-да, ўзимни қизиқтирган бир қанча саволлар билан мурожаат қилдим.



“...сиз аёл киши бўла туриб, темир билан ишляясизми? Бу иш оғирлик қилмайдими? Турмуш ўртоғингиз нима иш қилади? Темир, олов билан ишлаш машаққатларига қучингиз етяптимми?”

Тахминан 40 ёшлар атрофида бўлган аёл мулойим жилмайиб, кўлидан алоҳида (тулик ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат тегишли иш йили давомида фойдаланилиши мумкин.

— Келинг, қизикаётган бўлсангиз, бир пиёла чай устида суҳбатлашамиз. Темир билан ишлаш жараёни билан танишасиз, иш фаолиятини кузатасиз.

Аёлнинг таклифидан қувониб, шу захоти, ён дафтаримни олиб ёзишга киришдим.

— 30 ёшгача 20 бов сигирни соғиб, сўт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаб, бозорга олиб чиқардим, — дейди Шўрчи туманининг “Бўстон” маҳалласида яшовчи Қизлархон Тошпўлатова. — Кейинчалик, темир билан ишлашни, дарвоза ясашни

маъқул кўрдим. Ошлада 5 ўғилнинг орасида катта бўлганим сабабли, бу менга қийинчилик туғдирмади. Акаларимдан темир билан ишлаб, дарвоза ясашни ўргангандим. 2022 йилда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан 33 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимни кенгайтирдим. Ҳозир турмуш ўртоғим билан биргаликда битта дарвозани 5 кунда ясаб, хонадонга ўрнатиб берамиз. Даромадимиз ҳам ёмон эмас, бир ойдаги соф фойда 25 миллион сўмни ташкил қилади.

Тўғри, темирни оловда тоблаш, унга шакл бериш осон эмас. Ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бор. Озгина эътиборсизлик ёки нотўғри ёндашув натижасида зарар кўриш ҳеч гап эмас. Иш жараёнида жиддий ишқастланиб, олти ойлаб даволанган вақтларим бўлган. Лекин аниқ мақсадим бўлгани учун ҳаракатдан, изланишдан тўхтаганим йўқ.

Кўли гул хунарманд, 4 фарзанднинг онаси Қизлархон Тошпўлатова-

нинг маҳорат билан темирни пайвандлаш жараёнини кузатар эканман, фақатгина эркаклар шуғулланиши керак бўлган вазифаларни нозик хилқат вакиллари бўлган аёлларимиз ҳам масъулият билан бажариши мумкинлигига яна бир қарра амин бўлдим.

— Берилган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланаётган маҳалладошимиз Қизлархон Тошпўлатова чиндан ҳам мактаса арзигулик хунарманд, — дейди “Бўстон” маҳалласининг ҳоким ёрдамчиси Холмирза Хўжақулов. — Дастлаб, имтиёзли кредитни темир маҳсулотларини ясаш учун ишлатиши ҳақида гапирганда, рости ишонмагандим. Кредитдан мақсадсиз фойдаланиб қолиши мумкин, деган ҳаёл билан айтилган манзилга бордим. Бир уюм темирлар орасида моҳирлик билан ишлаётган аёлнинг иш жараёни билан танишдим. У ясаган дарвозаларни, пайвандлаган темирларни кўриб, фаолиятини кенгайтириши, янги иш ўринларини яратиши учун имтиёзли кредит беришни маъқул кўрдим. Ҳозирда 4 нафар маҳалладошимизнинг бандлигини таъминлаган.

Албатта, инсон мақсади сари интилса, ҳаракатдан, изланишдан тўхтамас, жамиятда ўз ўрнини топади. Жоиз бўлса, меҳнати орқали даромад олиб, рўзгорининг ободлигига, ҳаётининг фаровонлигига эришади. Дарвоқе, гулчилик фаолиятига ҳам қизиқётган Қизлархон Тошпўлатова туман марказида гулчиликка ихтисослашган корхона фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган. Мен эса ушбу манзилга яна қайтишни кўнглимга туғиб, хунарманд билан хайрлашдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...


Ёш болали ходимга қўшимча таътил бериладими?

Карима ОМОНОВА, Навоий вилояти. — Ўн икки ёшга тўлмаган фарзанди бор шахсларга қўшимча таътил бериладими?

Хайрулла ҚИЛИЧОВ, ИИБ Академияси Фуқаровий-хукукий фанлар кафедраси бошлиғи: — Қонунчиликка кўра, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига ёки ота-она ўрнини босувчи шахсга ҳар йили давомийлиги тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилди.

Бунда мазкур таътил йиллик меҳнат таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътилдан алоҳида (тулик ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат тегишли иш йили давомида фойдаланилиши мумкин. Аммо ушбу таътилни кейинги иш йилига қўчиришга ёки уни пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

АБДУКОДИР ХУСАНОВ
“Манчестер Сити” билан шартнома имзолади, у Англиядаги биринчи ўзбекистонлик футболчига айланди.



ФУТБОЛ БҲЙИЧА
Ўзбекистон миллий терма жамоаси 27 январь куни Иордания билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.



Ўсмир боксчиларимиз Россияда ўтказилган **ХАЛҚАРО ТУРНИР**да 13 та вазнда иштирок этиб, 10 та олтин ва 2 та кумуш медалга эга чиқди.

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!



СОҒЛОМ БҲЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Холестерин – инсон ҳаёти учун жуда муҳим ҳисобланади. У оксил ва липидлар билан биргаликда ҳужайра мембранаси таркибига киради.

АГАР СИЗДА ХОЛЕСТЕРИН МИҚДОРИ ОШГАН БҲЛСА...

Бундан ташқари, холестерин танада ҳосил бўладиган биологик фаол бирикмалар учун манба ҳисобланади. Жигарда ўт кислотаси ҳамда эндокрин аъзоларда стероид гормон (тестостерон, эстрадиол, прогестерон, кортизол)лар ҳосил бўлишида иштирок этади. Оксидланишдан ҳосил бўлган ҳосила ультрабинафша нурлар таъсирида Витамин Д3 га айланади. Холестериннинг қондаги миқдори ошса, атероскелоритик чўкмалар ривожланишига, бу эса ўз навбатида қон томирлар торайиши ва қоннинг тиқилиб қолишига олиб келади.

Агар юрак-қон томирларида қон тиқилиб қолса, стенокардия ёки миокард инфаркти, мия қон томирларида тиқилиб қолса, мия инсульти, юзага келади. Бъзида оёқ томирлари жароҳатланади, бунда кучли оғриқ юзага келиб, ҳаракатланиш қийинлашади.

Ҳаммаси ўз қўлингизда!
Агар холестерин миқдори ошиб кетса, уни камайтириш мумкин. Бунда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, жисмоний фаоллик билан мунтазам шуғулланиш ва соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилиш катта аҳамият касб этади.

Қай бири маъқул?
Ўсимлик ёғлари таркибида холестерин моддаси бўлмайди. Шунинг учун унинг ҳазми жуда енгил. Ҳайвон ёғлари таркибида юқори даражада холестерин моддаси мавжуд. Тиббиёт амалиёти одам танасига тўшаётган ёғларнинг 1/3 қисми ўсимлик ёғлар ҳисобига қопланиши кераклигини тавсия қилади. Ортиқча углевод ҳам ёғга айланади. Унинг кунлик меъёри 30-60 граммдан ошмаслиги лозим. Бу талабни қондириш учун ҳар куни 500 граммдан кам бўлмаган мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш кифоя.

Парҳез ёрдам бермаса...
Парҳездан 6-8 ҳафта ўтгач, қондаги холестерин миқдоридан ўзгариш бўлмаса, яъни умумий холестерин 5 ммолдан, липопротеин 3 ммолдан камаймаса, шифокор зарурий дори воситаларини тавсия қилади. Улар узоқ ва давомий равишда қон таркибидаги холестерин миқдорини меъёрда сақлаб, танада салбий жараёнлар юзага келишининг олдини олади.



Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, халқаро тадқиқотлар дастурида келтирилишича, организмда холестерин миқдорини назорат қилиш касалликларнинг олдини олишга ва инсоннинг соғлом ҳаётининг уйишига имкон беради.

Бир қарашда унга риоя қилиш жуда мураккабдек туюлади. Лекин инсон ўз яшаш тарзини ижтимоий шароити, фаолияти ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, оқилона режалаштириши мумкин. Бунда шахсининг кунлик ҳаракат меъёри ҳамда унга бўлган эҳтиёжи, истеъмол қилиниши зарур бўлган витаминга бой маҳсулотлар ҳамда психологик меъёрларга амал қилиш қабиларни инобатга олиш зарур. Айтилик, бирина кунлик ҳаракат меъёрини эрталабки 10-15 дақиқали бадантарбия машқларини бажариш билан қоплаш мумкин. Чиникиш учун аксарият инсонларнинг назаридан четда қолиб кетаётган оддийгина услуб, яъни нам сочиқ билан бир дақиқа давомида баданни артишгина кифоя қилади. Бу иккала тадбир тананинг функционал фаоллигини оширади, қон айланиш тизими, нафас олиш ва аъзоларнинг ўз вазифасини тўлиқ адо этишини таъминлайди. Иммуниет мустаҳкамлангани ҳисобига организм турли хил касалликларга қарши курашади.

Кунлик, ҳафталик ёки бир ой учун мўлжалланган фаолият режасини ўз имкониятинингизни инобатга олган ҳолда тузиб чиқсангиз, ортиқча психологик зўриқишларнинг олдини олган бўласиз. Соатлаб иш столида ўтириш, жисмоний фаолликнинг пасайиши, ўз вақтида овқатланмаслик каби салбий одатлар ортиқча вазн, қандли диабет каби касалликларни келтириб чиқармоқда. Соғлом турмуш тарзига амал қилишда, аввало, кун тартибини тўғри режалаштириш, юқориди кўрсатиб ўтилган кичик тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.




Музаффаржон ТОЖИЕВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети профессори (PhD).

МУЛОҲАЗА

Тўғри кун тартиби — саоматлик гарови

Соғлом турмуш тарзи — инсонлар кундалик ҳаётида кўп ишлатиладиган ва кам амал қилинадиган тушунчага айланиб бораётгани рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ



МИРИҚИБ УХЛАШГА ҚИЙНАЛЯПСИЗМИ?

Бугунги тезкор ахборот асрида аксарият инсонлар сурункал уйқусизликдан азият чеқмоқда. Доимий стресс, маълумотларнинг ҳаддан ортиқ кўлини одамларнинг ушбу муаммо билан кўпроқ рўбарў келишига сабаб бўляпти.



Акмал РАҲМАТУЛЛАЕВ, Миллий тиббиёт маркази директори ўринбосари.

Хўш, бу ҳолат саломатлик учун қанчалик хавфли? Ундан халос бўлишда нималарга риоя қилиш керак?
Уйқу – инсон соғлигида муҳим ўрин тутади. Сабаби одам ухлаганда мушаклар тонуси ва артериал қон босими пасайиб, юрак уриши, тўқималарга қон келиши ҳамда танадаги моддалар алмашинуви секинлашади. Натижанда нафақат мия, балки барча тана аъзолари “дам” олади. Афсуски, бугун кўпчилик билан суҳбатлашсангиз, яхши ухломлаётганидан, айримлар эса сурункали уйқу келмаслигидан шикоят қилади. Бунга жуда кўп омиллар сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, асаблар зўриқиши, тунда ишлаш, оғир меҳнат шароити, стимуловчи дори препаратларини қабул қилиш, травматик вазиятлар, ноқулай ўрин-ёстиқлар, спиртли ва мунтазам кофеинли ичимликлар ичиш ҳамда тамаки чекиш каби ҳолатлар доимий уйқусизликни келтириб чиқариш хавфи юқори. Қолаверса, бу муаммо кучли руҳий ва ҳиссий шикастланишлар, невроз, хавотирланиш, бош мия касалликлари (айниқса, мия қон томирлари атеросклероз), ички аъзолар ва эндокрин безлар (бўйрак, жигар, қалқонсимон без) хасталиқлари билан боғлиқ нерв тизимининг функционал бузилишларида ҳам учрайди. Сурункали уйқусизлик оқибатида организмда турли эндокрин, юрак-қон томир ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ҳамда асаб ва руҳий хасталиқлар ривожланиш хавфи ортади. Агар маъқур ҳолат мунтазам безовта қилса, албатта, шифокорга мурожаат қилиш лозим. Муаммодан халос бўлиш учун соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш тавсия этилади. Бироқ уларни ухлаш олдида бажармаслик керак. Шунингдек, куннинг иккинчи ярмида таркибида кофеин бўлган ҳар қандай маҳсулотни истеъмол қилиш, ухлашдан аввал қаҳва ёки ачиқ чой ичиш мумкин эмас. Аксинча, ётишдан 5-10 дақиқа олдин тинчлантирувчи машқлар бажариш, сокин мусика тинглаш ва илқ ванна қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Агар шифокор кўрсатмаси бўлмаса, зинҳор ухлатувчи дориларни қабул қилиш мумкин эмас.